



■ **ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ**
ПОЗИЦИЯСИ

**«ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА
УНДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТЎҒРИСИДА»ГИ
ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ
ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ АЛОҲИДА
ЁНДАШУВНИ ТАЛАБ
ЭТАДИ**

Бу масалада
Ўзбекистон ХДП
фракцияси
Демократик кучлар
блокининг айрим
фикрларига
қўшилмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, бу борада турли позициялар билдирилди.

Шу кунларда «Ўсимлик дунёси-
ни муҳофаза қилиш ва ундан фой-
даланиш тўғрисида»ги қонунга ўзгар-
тиш ва қўшимчалар киритиш
ҳақидаги қонун лойиҳаси ҳам ат-
рофлича кўриб чиқилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаларининг объекти ўзаро фарқланса-да уларнинг меъёрий хусусиятлари бир-бирига ўхшашидир. Шу боис маскур ҳужжат лойиҳалари бўйича фракциялар томонидан берилаётган тақлифлар принципиал жиҳатдан ўзгармасдан қолмоқда. Бу ҳолат партияларнинг умуман табиати муҳофаза қилиш масалаларига ёндашувлари қатъий эканини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда халқаро ҳуқуқий тажриба, замонавий илм-фан ва технология ютуқлари асосида экологик қонунчиликнинг мукамал тизимини шакллантириш давр талабидир.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон флорасини 4 минг 600 дан ортиқ ўсимлик турлари ташкил этади, улардан 3 мингдан ортиғи ёввойи ҳолда ўсувчи олий ўсимлик турлари, 9 фоизи эса эндемик, яъни кам учрайдиган ва ноёб турлардир. Ушбу ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларининг умумий сонидан 324 таси камёб ёки йўқолиб кетиш хавфи остидаги тур сифатида Ўзбекистон Қизил китобиغا қиратилаган.

Демак, ўсймлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ҳамда бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этади.

► Давоми 2-бетда.

■ КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БҮЛДИК?



МАМЛАКАТИМИЗДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ

демократиянинг мустаҳкам асосини яратди

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ҳаммамизга яхши маълумки, Юртбошимиз Ислам Каримов Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тақлифини билдирганди. Ушунда ушбу «қонуннинг қабул

қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органилари томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатини янада ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиради», дея алоҳида таъкидланганди.

ҲОКИМ АХБОРОТ БЕРДИ



Фаррух АЛИЕВ олган сурат

Мазкур қонуннинг нақадар муҳим аҳамията эга бўлишини ҳисобга олган ҳолда, унинг лойиҳасини тайёрлашга масъул идоралар мутахассислар бир йилдан кўпроқ вақт мобайнида изчил иш олиб борди. Хар бир модда ва норма-ни пишиқ-пuxта маромига ет-казиш учун депутатлар ва жа-моатчилик вакиллари иштиро-кида қирқдан ортиқ тадбир, хусусан, икки мартабата халқ-роқ анжуман ўтказилди. Ке-йинчалик қонун лойиҳасининг асосий принциплари ва қои-даларига амалиётда ишлов бериш, унинг меъёрлари са-марадорлиги қанчалик ҳаё-тиллигини баҳолаш мақсади-да Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзе-бистон Республикаси Қонуни

лойихдан нормаларининг синнови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида»ги Фармойишига кўра, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий эксперимент ўтказилди. Бу жараён қонун ижодкорлиги тажрибасида тарихий воқеликка айланди. Нихоят, 2014 йилнинг 5 майида мазкур қонун қабул қилинди.

Мана, икки йилдан ошди-ки, бу қонун амалда тўлиқ ишляпти. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш билан боғлиқ сўровларга ўз мuddатида жавоблар тайёрланмоқда. Масалан,

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўрови у рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб ўн беш кунлик, оммавий ахборот воситалари сўрови эса етти кунлик муддат ичида кўриб чиқилляпти.

Тошкент шаҳар ҳокими-
лида Бектемир туман ҳокими
Сарвар Маҳаметов ва жур-
налистлар штирокида ўтказил-
ган мулоқотда, энг аввало,
қўриқда тилга олинган жа-
раён ва унинг аҳамияти ху-
сусида сўз юритилди. Шундан
сўнг оммавий ахборот воси-
талари ходимларига Истик-
лолнинг 25 йиллиги ара-
фасида пойтахтимизнинг кен-
жа туманида амалга оширилаёт-
ган иқтисодий ислохларни са-
маралари, янги иш ўринлари
яратиш, ижтимоий соҳа
объектларини капитал таъ-
мирлаш, касб-хунар коллеж-
лари битирувчиларининг

турлари билан шуғулланиш
имконияти яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги қарорига асосан ёпиқ турдаги сув ҳавзаси қурилиши қизгин давом эттирилмоқда. Шу билан бирга, тумандаги 2 та мактабга таълим муассасасида капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Туман ҳокимлиги томонидан битирувчиларни ишга жойлаштиришда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, таълим муассасалари раҳбарларининг масъулиятини ошириш чоралари кўрилиб, бу борадаги ишлар самарадорлиги мунтазам назорат қилиб келинмоқда.

Журналистлар ҳоким билан очик мулоқотга киришар экан, Бектемир туманида ихтиёрий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг катта қисми меҳнат қилаётган 5 йирик саноат корхонаси, 92 қўшма корхона фаолияти, янги очилаётган ишлаб чиқариш ва савдо объектларидаги янгилар билан қизиқишди. Маҳаллаларда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларига эътибор қаратишди. Сарвар Маҳаметов эса ОАВ вакилларини тумандаги исталган маҳаллага келиб, қилинаётган ишларни ўз кўзи билан қўришга таклиф қилди.

**Озод РАЖАБОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.**

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини шакллантириш, шунингдек, уларнинг баддиглигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунга мувофиқ, Самарқанд вилоят партия ташкилотлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда қатор тадбирлар ўтказмоқда.

Коллеждан — корхонага

ЎзДП Самарқанд вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти ва Пайриқўш туман партия кенгаши ҳамкорлигида «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси доирасида «Бугунги коллеж битирувчиси — корхонанинг эртанги таянчи» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят ва туман бўлими аъзолари, бандликка қўмақлаштириш маркази ҳодимлари иштирок этди.

Пайларқў туманидаги 12 касб-ҳунар коллежини бу йил 3487 нафар йигит-қиз тамомлади. Худудда бандлик дастуридо белгиланган вазифалар асосида битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласи мунтазам назоратда турибди.

Давра суҳбатига сўзга чиққанлар битирувчиларнинг мустақил олиб бораётган яратилган шартлар, банкдан имтиёзли кредит олиш билан боғлиқ масалалар ҳусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пайғамир туман партия кенгаши раиси Абдуллоҳ Хўжамулоновнинг таъкидлашича, партия-миз томонидан касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, сиёсий оғини шакллантиришга қаратилган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда.

Битирувчиларни эгаллаган мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштириш масаласига эътиборни кучайтириш, бу борада мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмокда.

Исломбек УМИРОВ

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДА

ЖОРИЙ ИИЛНИНГ 6 ОЙИДА ЎЗХДП
ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ
ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 5100
ГА ЯҚИН МУРОЖААТ ТУШДИ, УЛАРНИНГ 70
ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ХАЛ ЭТИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎЗДП ГУРУҲЛАРИ ШУ ЙИЛНИНГ
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА 35 МАСАЛАНИ
СЕССИЯЛАРГА КИРИТДИ. УЛАРДА ЭЛЕКТОРАТ
МАНФААТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУҲИМ ҚАРОРЛАР
КАБУЛ КИЛИНДИ.

ЎзХДП ХАРАКАТ ДАСТУРИДА
БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА АНДИЖОН, СУРХОНДАРЁ,
ФАРҒОНА ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТЛАРИ
ДАГИ БИР ҚАТОР ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ
ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА.

- ЎзХДП фракцияси парламентда ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан ўз позициясини қатъий туриб ҳимоя қилмоқда.

Бу масалада Ўзбекистон ХДП фракцияси Демократик кучлар блокнинг айрим фикрларига қўшилмайди.

ҲАЁТГА ЯҚИН БЎЛГАН, ОДАМЛАРГА ФОЙДАСИ ТЕГАДИГАН ТАШАББУСЛАРНИ КЎТАРИБ
ЧИҚҚАН, СЎЗИ БИЛАН АМАЛИ БИР БЎЛГАН ДЕПУТАТЛАРГИНА ҲУРМАТ ҚОЗОНАДИ,
ТАРАККИЁТИМИЗГА ХИССА КЎША ОЛАДИ.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ
БУГУН КИМ БЎЛДИК?
(8-мақола)

■ «Хар бир партия ўзига бўлган ишончини, куч-қувватни халқ ичидан олади. Шунинг учун ҳам хар қайси партия — халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч...».

МАМЛАКАТИМИЗДА КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИ ШАКЛЛАНИШИ

демократиянинг мустақам асосини яратди

Инсоният неча асрлардан буён яхши ҳаёт, яхши жамият қуришни орзу қилиб келади. Қанча-қанча сохта дохийлар, сохта тузумлар яратилди, лекин узок яшамади, йўқ бўлиб кетди. Бир пайтлар дунёда энг инсонпарвар жамият, деб жар солинган совет тузumi ҳам барбод бўлди. Қандай яшашни, қандай йўлдан юришни ўзимиз ҳал этадиган замон келди — Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Биз ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, одил жамият қуришни мақсад қилиб белгиладик. Дунё тажрибасидан маълумки, кўппартиявийлик тизимига эришмай туриб, бундай давлатни, жамиятни қуриб бўлмайди.

Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: «Модомики, биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак. Бу тизим нима учун зарур, деган саволга мен шундай жавоб берган бўлардим. Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган хар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак. Чунки ҳаёт бор экан, инсон бор экан, хар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қилади, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва бахтли яшаш мумкин, деган масалалар атрофида фикр юратди, керак бўлса, қонуний йўллар билан ўз мақсадларига эришишга интилади.

Шу маънода, хар бир партия ўзига бўлган ишончини, куч-қувватни халқ ичидан олади. Шунинг учун ҳам хар қайси партия — халқнинг маълум қатлами манфаатларини ифодаловчи сиёсий куч, десак, аниқ ҳақиқат бўлади».

Ушбу фикрлар қандай демократик жамият қуриш йўлидан бораётганимиз, кўппартиявийлик тизими нима экани ва унинг аҳамияти ҳақида кенг, аниқ тасаввур беради.

Дарҳақиқат, сиёсий партияларсиз мамлакатда вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки фуқаролар айнан ўз вакиллари орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширади.

Сиёсий партиялар ташкилий-ҳуқуқий асоси мустақамланган ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бўлиб, унда сиёсий партиялар ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи нормалар акс этибгина қолмай, фуқароларнинг сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи ҳам мустақамланди. Хусусан, 34-моддада «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга»лиги тўғрисидаги қоида белгиланган. Конституциямизнинг 58-моддасида давлат сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш лозимлиги, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан сиёсий партияларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги ҳам мустақамланди.

Ўзбекистонда Конституция асосида сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи тегишли қонунчилик тизими шаклланди. Мустақилликка эришганимиздан буён шу кунга қадар сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мисол учун, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»-ги

қонунлар, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонунлар бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўз ўрнида шунини айтиш жоизки, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунчилик сиёсий-ижтимоий ҳаёт билан ҳаммаҳангликда ривожланиб бори. Ҳуқуқий асослар яратилиши баробарида аҳолининг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки хар қандай қонуннинг ижроси фуқаролар ҳуқуқий-сиёсий билими даражасига боғлиқ.

Мамлакатимизда ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган кўппартиявийлик тизими танланишини қуйидаги омиллар билан изохлаш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида:



Санжар ШОТЛУАНОВ олган сурат.

«Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади» мазмунидagi қоида мустақамланган ва унинг моҳияти кўппартиявийлик тушунчаси билан мутаносиб;

Иккинчидан, катта аҳоли сонига эга бўлган давлатимизда фикрлар, қарашлар ҳам хилма-хил бўлиши табиий эди. Шунинг учун ҳам, жамиятда мавжуд турли қатламлар, гуруҳларнинг манфаатини ифодаловчи ҳамда унинг давлат бошқарувида амалга ошишига замин яратувчи кўппартиявийлик тизими зарур, деб танланди;

Учинчидан, жамиятдаги барча сиёсий қучлар, ижтимоий табақаларнинг кенг иштирокини таъминловчи кўппартиявийлик асосланган сайлов давлат ҳокимияти вакиллик органларини ташкил этишнинг демократик қўриниши ҳисобланади. Сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш, сайловчилар танлови учун бир неча номзодлар қурашини таъмин қилади. Сайловчилар, яъни халққа ушбу номзодлардан танлаб

олишнинг реал ҳуқуқи берилади.

Турли мамлакатларда партияларнинг ривожланиши хар хил кечади. Бу ривожланиш хар бир давлат, миллат тарихи, сиёсий фаоллиги, ижтимоий-сиёсий тажрибасидан келиб чиқиб, миллий хусусиятлари асосида турлича бўлади. Албатта, қонунларда белгилаб қўйилгани билан кўппартиявийлик тизими ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун муайян вақт, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий дунёқараши, юксалиши талаб этилади. Яъни, кўппартиявийлик қонуний асосларга кўра, табиий шароитда юзага келади.

Шу маънода, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ўзига хос тадрижий тарзда шаклланди. Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон мустақилликка эришган, яъни ҳокимлиқни суриб келган коммунист партиядан воз кечилган бир шароитда халқнинг бошини қовуштирадиган, бир ғоя атрофида бириктиришни ўз зиммасига олади-ган сиёсий куч керак эди. Ана шундай мураккаб вазиятда, 1991 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилди. Бу янги партия янги тузум шароитида кўп синовлардан муваффақиятли ўтди, тажриба орттирди.

1995 йилда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, 2003 йилда эса Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси тuzилди.

Ҳозирги кунда ушбу тўрт сиёсий партия бир хил шароитда, тенгма-тенг ҳуқуқ билан фаолият кўрсатмоқда. Албатта, бу сиёсий партиялар ўз

қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»-ги Конституциявий Қонунга мувофиқ Қонунчилик палатасида сиёсий партия айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкинлиги назарда тутилди.

Конституциявий қонуннинг 3-моддасида сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакилини Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга эканлиги белгиланган. Бу норма мазмун ва мақсадига кўра, сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қўйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини янада кучайтиришга, фракцияларнинг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини демократлаштиришга шароит яратди.

Мазкур конституциявий қонун мамлакат сиёсий майдонидаги партиялар кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши ва дастурларини янада ривожлантириш, уларнинг парламент қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгашлар ишидаги кенг иштирокини мустақамлайдиган барқарор тизимни шакллантириш кўзда тутилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу ўзгаришлар «Ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнайди». Мазкур муҳим

даги кўпчилиқни ташкил этиши мумкинлиги белгиланди. Қолаверса, қонунда «муҳолифат» тушунчаси киритилган бўлиб, унга кўра, янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли (курси) ва дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкинлиги назарда тутилди.

Конституциявий қонуннинг 3-моддасида сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасида тузилган фракцияси ўз вакилини Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашда кафолатли ҳуқуққа эга эканлиги белгиланган. Бу норма мазмун ва мақсадига кўра, сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис қўйи палатаси фаолиятини ташкил этишдаги ролини янада кучайтиришга, фракцияларнинг ваколатлари ва имкониятларини кенгайтириш, палатада қарорлар қабул қилиш жараёнини демократлаштиришга шароит яратди.

Мазкур конституциявий қонун мамлакат сиёсий майдонидаги партиялар кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши ва дастурларини янада ривожлантириш, уларнинг парламент қўйи палатаси ва маҳаллий Кенгашлар ишидаги кенг иштирокини мустақамлайдиган барқарор тизимни шакллантириш кўзда тутилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу ўзгаришлар «Ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнайди». Мазкур муҳим

депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан тақлиф этилади». Ушбу норма сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган ислохотларнинг натижасидаги муҳим босқичини бошлаб берди.

2014 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»-ги Қонун мамлакатимизда сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳамда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш бўйича охириги ўн йилликда амалга оширилган демократик ўзгаришларнинг мантикий давоми бўлди. Хусусан, мазкур қонун асосида Конституциянинг 98-моддасига киритилган ўзгаришларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлисда унинг номзоди қўриб чиқилаётганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ақин муддатга ва узок истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади. Бу Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларига ҳукуматнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги энг муҳим вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги сиёсатига нисбатан ўз позицияларини аниқ белгилаш имкониятини яратди.

Конституцияга киритилган ушбу норма конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади. Хусусан, Европанинг қатор мамлакатларида парламент аъзолари нафақат ҳукумат раҳбари ва аъзоларини тасдиқлайди, балки ҳукумат дастури лойиҳаси бўйича ўз муносабатларини ҳам билдиради.

Шунинг ҳам таъкидлаш муҳимки, Конституциямизга киритилган мазкур норма сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, партияларро рақобатни кучайтириш, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари фаолиятини янада демократлаштиришнинг муҳим омилга айланди.

Ҳўш, бу ўзгаришлар парламентга ўтказилган сайлов натижаларига қандай таъсир қўрсатди?

Мамлакатимизда 2014 йил 21 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов натижаси қуйидагича кўрсаткичларни юзага келтирди. Овоз бериш натижаларига кўра, 113 та сайлов округида Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»-ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди. Сиёсий партияларнинг кескин рақобати натижасида 22 сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозларни тўплай олмади. Шу муносабат билан 2015 йил 4 январь кuni ушбу округларда такрорий овоз бериш ўтказилди.

Сайловнинг якуний натижаларига кўра, парламент қўйи палатасига 150 нафар депутат сайланди. Уларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлардир.

Парламентда қўлга киритилган депутатлик ўринлари хар бир сиёсий партиянинг жамият ва сиёсий сахнадаги реал ўрнини белгилаб беради. Қўйи палатада кўпчилиқ ўринини эгаллаган сиёсий партия ҳукумат раҳбари номзодини тақлиф этиш орқали ўз Сайловолди дастурини амалга оширишда нисбатан катта имкониятга эга бўлади. Демак, парламент қўйи палатасида энг кўп ўринини олиш учун кураш сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб бораверади.

Бу демократик жамиятга хос сиёсий жараён бўлиб, хар бир сиёсий партия жамиятимиздаги муайян қатлам манфаатини самарали ҳимоя қилишини таъминлайди, фуқароларнинг хоҳиш-истаклари, халқимизнинг сиёсий иродаси рўйбга чиқишига хизмат қилади.

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.

Парламентда қўлга киритилган депутатлик ўринлари хар бир сиёсий партиянинг жамият ва сиёсий сахнадаги реал ўрнини белгилаб беради. Қўйи палатада кўпчилиқ ўринини эгаллаган сиёсий партия ҳукумат раҳбари номзодини тақлиф этиш орқали ўз Сайловолди дастурини амалга оширишда нисбатан катта имкониятга эга бўлади. Демак, парламент қўйи палатасида энг кўп ўринини олиш учун кураш сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб бораверади.

мақсади ва вазифалари, устави ва дастурига эга.

Сиёсий партияларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида, 2004 йилда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги қонун сиёсий партияларнинг том маънодаги мустақиллигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур Қонуннинг 7-моддасида сиёсий партияларнинг устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш назарда тутилган. Хусусан, унда «Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Конституциявий қонун сиёсий партияларга кенг имкониятлар берди. Масалан, унда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгиланган ҳамда сиёсий партия фракцияси тушунчаси очиб берилган. Қонунчилик палатасида кўпчилиқ ўринини эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчилиқни ташкил этиши, шу билан бирга, дастурий вазифаларининг ақинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузган бир неча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам парламент-

ҳужжат партияларро соғлом рақобатни кучайтириб, сиёсий қучларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларини кескин оширди, дастурий масалаларда турли тортишув ва кескин баҳс-мунозараларини кучайтирди.

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган қатор тақлифлар илгари сурилди. Ушбу тақлифлар асосида 2011 йил 18 апрелдаги қонун билан Конституциямизнинг 98-моддасига киритилган ўзгаришлар алоҳида аҳамият касб этади. Ундан кўзланган асосий мақсад Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик тартибини ўрнатиш ҳисобланади. Унга кўра, «Ўзбекистон Республикаси Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАРЗАФАРБОБДА
МУСИҚАЛИ
ФАВВОРА

Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида му-
сиқали фаввора фойдала-
нишга топширилди.

Навоий кон-металлургия
комбинати ташаббуси билан
қурилган фаввора ҳавзаси-
нинг диаметри 6,6 метрни
ташқил этади. Унинг ичида 5
та айланма сув пурақич, 73
дона рангли чироқлар ўрна-
тилган. 15 метрга кўтарил-
диган фаввора суви турли
рангларда жилоланиб, му-
сика оҳангига мос рақслар-
ни ижро этади.

Лойиҳа Зарафшон қури-
лиш бошқармасига қарашли
Навоий қурилиш-монтаж
участкаси ҳамда «Жамшид
имкон савдо» МЧЖ қурувчи-
лари томонидан амалга оши-
рилди.

Фаввора атрофига қурил-
ган яхна ичимликлар ва муз-
қаймоқ дўконлари болажон-
ларнинг қувончига қувонч
қўшмоқда.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЯНГИ ДИЁР»ДА
ЯНГИ ШОХОБЧАфойдаланишга
топширилди

Баллонларни суюлтирил-
ган газ билан тўлдирадиган
ушбу мажмуа Музработ ва
Шеробод туманларида исти-
комат қилувчи 52 мингдан
ортиқ аҳолига хизмат қи-
лади. Унинг қурилишига давлат
бюджетидан 2 миллиард 300
миллион сўмдан ортиқ маб-
лағ сарфланди.

Шоҳобчанинг истиқлол
айёми арафасида иш бошла-
гани элдошларимиз учун
ҳақиқий байрам тўхфаси
бўлди, — дейди **ЎзХДП Му-
работ туман кенгаши раи-
си Комил Ёсанов**. — Шу би-
лан бир қаторда ўн бир на-
фар кишининг бандлиги таъ-
минланди.

Абдувалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЎЛЖАЛ — 200
МИНГ ТОННА

Устюрт текислигидаги
Кўнгирот сода заводининг
асосий маҳсулотларидан
биринчи ўринда калций-
ланган сода ҳисобланади. У асосан
техник ош тузи ва оҳак тош-
дан олинади.

— Бунинг учун йилига 190
минг тонна техник туз, 145
минг тонна оҳак тоши ишла-
тилади, — дейди **ишлаб
чиқариш бўлими бошлиғи
Ўринбосари Бекполат
Хожамбергенов**. — Содани
ишлаб чиқариш жараёни
тўлиқ автоматлаштирилган.
Барча ишлар компьютер ор-
қали дунёга машхур «Хони-
велл» ва «Сименс» фирмалар-
ининг дастурлари асосида
бошқарилади.

Корхона жамоаси томони-
дан ўтган ўн йил ичида
814 241,2 тонна калций-лан-
ган сода ишлаб чиқарил-
ган. Ҳозирги пайтда завод-
нинг ишлаб чиқариш қува-
тини йилига 100 минг тонна-
дан 200 минг тоннага ет-
казиш лойиҳаси амалга оши-
рилмоқда. У ниятсизга ет-
мас, республикадаги барча са-
ноат корхоналарининг тала-
би тўлиқ қондирилиб, бир
қисми чет давлатларга экс-
порт қилинади.

Мнажатдин
КУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МОЗИЙ САДОСИ



Архивлар — бебаҳо хазина

Ҳозирги кунда Ўзбеки-
стоннинг умумжаҳон цивили-
зацияси бешикларида бири
бўлганини бутун дунё тан ол-
моқда. Бу қадимий ва табар-
рук тупроқдан буюк аллома-
лар, фозилу фузалолар, оли-
му уламолар, сиёсатчилар,
саркардалар етишиб чиққан.
Бешафқат давр синовлари-
дан омон қолган, энг қадим-
ги тоғёзулар, битиклардан
тортиб, қўлёзмалар, уларда
муҳасаммалашган тарих, ада-
биёт, санъат, сиёсат, ахлоқ,
фалсафа, тиббиёт, матема-
тика, физика, кимё, астро-
номия, меъморчилик, деҳ-
қончиликка оид асарлар биз-
нинг беқиёс маънавий бой-
лигимиз, ифтихоримиз ҳи-
собланади. Бунчалик катта
меросга эга бўлган халқ
дунёда кам топилади. Биз
эса мана шу маданий мерос-
симизни кўз қорачиғидек ас-
раб-авайлашимиз ва келажак
авлод учун ҳам етказиб бе-
ришимиз зарур. Бу ҳақда

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 49-мод-
дасида «Фуқаролар Ўзбе-
кистон халқининг тарихий,
маънавий ва маданий ме-
росини авайлаб-асрашга
мажбурдирлар. Маданият
ёдгорликлари давлат му-
хофазасидадир», деб бел-
гиланган.

2001 йил 30 августда
Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Маданий мерос объект-
ларини муҳофаза қилиш ва
улардан фойдаланиш тўғри-
сида»ги Қонуни қабул қили-
ниб, архив ҳужжатлари мада-
ний мерос объекти сифати-
да қонун ҳимоясига олинди.

Мустақилликкача давлат
архивларининг сони 72 тани
ташқил этган бўлса, бугунги
кунда 103 тани ташқил эта-
ди, маҳаллий ҳокимликлар
ҳузурида 110 идоралараро
ҳамда 9 мингдан зиёд идо-
равий архивлар фаолият
юртмоқда. Уларда сақлана-
ётган ҳужжатлар дастлаб 4,8

миллион сақлов бирлигини
ташқил этган бўлса, бугунги
кунда уларнинг сони қарийб
2 баробарга ортиб, 8,6 мил-
лион сақлов бирлигига, идо-
равий архивларда ҳужжатлар
1,2 миллион сақлов бирли-
гига етди.

Мазкур архив ҳужжатлари-
да юртимизнинг IX асрдан то
шу бугунги кунгача бўлган та-
рихдаги ўта ноёб ва алоҳида
қимматга эга бўлган, тарихий,
сиёсий, иқтисодий, илмий ва
маънавий аҳамиятга эга бўл-
ган воқеалар акс этган.

Мазкур ҳужжатларни
ўрганар эканмиз, кундан-
кунга янада қиёсий очиб
бораётган республикамиз пой-
тахти бўлиши Тошкент шаҳ-
рининг олдинги кўринишлар-
и, кўчалари, бозорлари,
хиябонлар, мактаблар ва
бошқа жойлар тасвирланган
фотосуратларни учратиши-
миз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
кинофотофоно ҳужжатлари

Марказий давлат архиви
ҳужжатлари орасида айнан
Тошкент шаҳрига тегишли
кўлаб ҳужжатлар, суратлар
сақланмоқда. Эски шаҳар-
нинг қадимги манзаралари,
маданий-маиший, маъмурий
биноларини кўздан кечириб,
пойтахтимизнинг бугунги
чироий билан қиёсласак, ер
билан осмонча фарқ бор-
лигини кўрамыз. Мустақил-
лик йилларида амалга оши-
рилган ишлар кўлами киши-
га ғурур бағишлайди.

Фотосуратларни ўрганар
эканмиз, Тошкент вокзалин-
инг эски кўринишларига
тўхталмай илоҳимиз йўқ. Чун-
ки вокзал пойтахтимиз меҳ-
монлари биринчи қадам
қўядиган даргоҳдир. 1870
йилдаги вокзал кўриниши
тасвирланган суратда асосий
транспорт воситаси от-ара-
валар бўлганлигини кўрсата-
ди. Мустақиллик йилларида
бунёд этилган, яъни ҳозирги
кунда фаолият юритаётган

вокзал кўриниши, архитекту-
раси, хизмат турларининг
турли-туманлиги жиҳатидан
1870 йилдаги вокзалдан туб-
дан фарқ қилади. Замона-
вий, туристлар ва йўловчи-
лар учун қулай тезкор по-
ездлар йўлга қўйилгани, чип-
таларни тезкор буюртма
қилиш, йўловчилар учун си-
фатли хизмат кўрсатилиши
юртимизда ҳар соҳада ри-
вожланиш бўлаётганидан да-
лолатдир.

Архив узоқ ва яқин ўтми-
шимиз жамланган ўзига хос
бир хазинадир. Келажак ав-
лод ўз насл-насаби, келиб
чиқиши, ўтмиши, яшаб тур-
ган маскани тўғрисидаги
тўлиқ маълумотларни шу та-
баррук даргоҳдан олади.

Арофат АБДУҚОДИРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Кинофотофоно
ҳужжатлари Марказий
давлат архиви етакчи
архивчиси.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ
ЖУРНАЛИСТ
НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма ом-
мавий ахборот воситалари ва ахбор-
от агентликлари кўлаб-қувват-
лаш ва ривожлантириш жамоат фон-
ди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва
эркинликларини таъминлаш мақса-
дида амалга оширилаётган демок-
ратик, социал-иқтисодий, сиёсий-
ҳуқуқий ислохотларни янада чуқур-
лаштириш жараёни босма оммавий
ахборот воситаларида кенг ёрити-
лишини ташқил этиш, журналист-
ларнинг жамиятдаги фаоллигини
ошириш, уларни кўлаб-қувватлаш
мақсадида «Инсон ҳуқуқлари жур-
налист нигоҳида» мавзусидаги ижо-
дий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республика-
си Олий Мажлиси ҳузуридаги Но-
давлат нотижорат ташкилотларини
ва фуқаролик жамиятининг бошқа
институтларини кўлаб-қувватлаш
жамоат фонди кўмағида ўтказила-
ди.

Танлов шартлари:

Танловга 2016 йилнинг 1 январь-
ридан 10 ноябргача республика
босма оммавий ахборот воситала-
ри ва интернет нашрларида эълон
қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича
умумжаҳон декларацияси, мамлака-
тимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъ-
минлашга қaratилган қонун ҳужжат-
ларининг мазмун-моҳияти ва улар-
нинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва
манфаатларини ҳимоя қилишни таъ-
минлаш, шахсни ҳар томонлама ка-
мол топтириш, ёшларнинг демократ-
ик фуқаролик жамияти барпо эти-
шида фаол иштирок этиши учун зарур
социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий
шароит яратишга қaratилган мав-
зудagi ахборот-таҳлилий, публици-
стик ва фотоматериаллар қабул қили-
нади.

Танловга тақдим этилган мате-
риаллар мамлакатда фаолият олиб
бораётган босма оммавий ахборот
воситалари, интернет нашрларида
чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар
ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида
тайёрланган, эълон қилинган босма
ёки интернет нашри аниқ кўрсати-
лган электрон ва матбуот нусхада
бўлиши керак. Фоторепортажлар
асл нусхада тақдим этилади. Ижо-
дий ишларга муаллиф тўғрисида
(фамилияси, исми, профессионал
фаолияти тўғрисида қисқача маълум-
от, паспорт нусхаси) маълумотлар
илова қилинади.

Танлов ғолибларига мукофот-
лар:

Ғолиблар диплом ва компьютер
жамланмаси, телевизор, планшет ва
бошқа қимматбаҳо совғалар билан
тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқла-
ри журналист нигоҳида» мавзуси-
даги ижодий танловга деган қайд
билан Ўзбекистон мустақил босма
оммавий ахборот воситалари ва ах-
борот агентликлари кўлаб-қув-
ватлаш ва ривожлантириш жамоат
фондига 2016 йил 10 ноябрга қадар
қуйидаги манзилга жўнатилади:
Тошкент шаҳри — 100129, Навоий
кўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона.
Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51,
www.mmf.uz, e-mail: fonduz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+40/+27	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+40/+27	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+25	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+42/+27	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+38/+27	
Тошкент шаҳри	+37/+22	

СПОРТ

Соатовлар оиласи
Ғолиб бўлди

Жиззахда ўтказилган «Отам, онам ва
мен — спортчи оила» мусобақасида 13
оилавий жамоа иштирок этди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят
бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида
ташқил этилган тадбирда Президентимиз
рахнамолигида оила институтини янада мус-
таҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор то-
птириш, оилалар ўртасида спортни оммалаш-
тиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъ-
кидланди. Бу йилги мусобақанинг куйи бос-
қичларида 600 дан зиёд оилавий жамоа ўзаро
баҳслашди.

Тусиқлар оша югуриш, мерганлик, аркон
тортиш каби шартлар бўйича беллашуларда
биринчи ўрин мусобақанинг ўтган йилги ғолиб
жамоаси — Пахтакор туманидан Соатовлар
оиласига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўрин-
ларни Зомин туманидан Ҳазратқуловлар, Мир-
заҷўл туманидан Бобоевлар оилалари эгал-
лади.

— Мамлакатимизда спортни ривожланти-
риш, аynиқса, оилаларда соғлом турмуш тар-
зини қарор топтириш борасида амалга оши-
рилаётган ишлар туфайли ушбу мусобақанинг
нуфузи йилдан-йилга ошмоқда, — дейди ғолиб
Рустам Соатов. — Бу йил ҳам ушбу мусобақа-
га пухта тайёргарлик билан келдик. Турмуш
ўртоғим Гулмирахон, ўғлим Достонбек, қизим
Севинч оилавий жамоамиз муваффақияти учун
астойдил ҳаракат қилди.

Ғолиб ва совриндор спортчи оилалар му-
носиб тақдирланди.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»
Производит и реализует под заказ:

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yl 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052
naxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 21:50
Topshirilgan vaqti — 00:30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

7 72010 7633 006

1 2 3 4 5 6